

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАЕВ МИРЖАЛОЛ ЭРКИНЖАНОВИЧ**

**АНГРЕН КАОЛИНИНИ НИТРАТ КИСЛОТАСИ БИЛАН ПАРЧАЛАБ  
АЛЮМИНИЙ ОКСИДИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

**Кенжаев Миржалол Эркинжанович**

Ангрен каолинини нитрат кислотаси билан парчалаб алюминий оксиди олиш технологиясини яратиш. . . . . 3

**Кенжаев Миржалол Эркинжанович**

Разработка технологии получения оксида алюминия из Ангренского каолина путем разложения азотной кислотой. . . . . 21

**Kenjaev Mirjalol Erkinjanovich**

Working out of technology reception oxide aluminium from Angren kaolin by decomposition by nitric acid. . . . . 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works. . . . . 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КЕНЖАЕВ МИРЖАЛОЛ ЭРКИНЖАНОВИЧ**

**АНГРЕН КАОЛИНИНИ НИТРАТ КИСЛОТАСИ БИЛАН ПАРЧАЛАБ  
АЛЮМИНИЙ ОКСИДИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т862 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзакулов Холтура Чориевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий опонентлар:**

**Сейтназаров Атаназар Рейпназарович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Джуманиязова Дилноза Максудовна**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот**

**Наманган муҳандислик - технология институти**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг «05» январь 2021 йил соат 15<sup>00</sup> - даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99861)223-60-47, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «22» декабрдаги 3- рақамли реестр баённомаси).



**А.М. Реймов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Р.К. Курбаньязов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**Ш.Н. Туремуратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги пайтда таркибида алюминийга бой бўлган хомашё манбаларининг камайиши билан бутун дунёда алюминий саноати ҳар йили юқори сифатли боксит хомашёсига бўлган эҳтиёж ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, паст сифатли алюминий хомашёлари – юқори кремнийли боксит, каолин гиллари, алуниг жинслари, нефелин ва бошқа рудалари мавжуд. Республикада алюминий оксиди ишлаб чиқарилмайди, аммо таркибида алюминий миқдори кам бўлган каолин гиллари, алуниг жинслари, паст сифатли бокситлар, тошкўмир кули шаклидаги хомашёлар мавжуд. Бироқ, уларни қайта ишлаш учун самарали технология мавжуд эмас. Алюминийнинг оғир танқислиги шароитида алюминийли хомашёларни қайта ишлаб алюминий бирикмаларини олиш ҳозирги кунда илмий изланишларнинг асоси бўлиб бормоқда.

Дунё миқёсида юқори силикатли таркибида алюминий тутган хомашёларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишда қуйидаги илмий ечимларни асослаш зарур: паст сифатли, юқори кремнийли алюминий хомашёсини ишқорий ва кислотали усулларда қайта ишлаш жараёнларини ўрганиш, шу жумладан олдиндан термик ишлов бериш босқичлари, хомашёни ажратиб олиш, алюминийнинг кислотали эритмаларини темирсизлантириш ва тозаланган эритмаларни алюминий оксидига қайта ишлаш, айланма эритмалардан фойдаланиш ёки қайта ишлаш, юқори кремнийли таркибида алюминий тутган хомашёлардан алюминий оксиди олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Бугунги кунда республикада йирик тадбирларни амалга ошириш туфайли минерал руда хомашёсининг янги конларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан Ангрен конининг каолинли гилларини алюминий оксидига ва ҳар хил турдаги суюқ азотли ўғитлар учун айланма эритмаларини нитрат кислотасини қайта ишлашнинг комплекс технологиясини ишлаб чиқиш республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишини VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Алюминийли хомашёлар асосида алюминий бирикмаларини олиш бўйича дунёда қуйидаги олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда жумладан, Лайнер Ю.А., Запольский А.К., Сажин В.С., Вайтнер В.В., Исматов Х.В., Богачева Л.Н., Каримов Р.З., Мирсаидов У.М., Гафуров К., Шамсидинов И.Т., Мамажанов З.Н. ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ишлар асосан, алюминийни минерал кислотали ёки гидроксидли усул билан эритмага ажралишига қаратилган. Тажриба ёки саноат шароитида алюминий оксиди олиш, хомашё таркибининг ишлаб чиқариш технологик кўрсаткичларига таъсири, алюминий бирикмалари ажратилгандан кейинги айланма эритмаларни қайта ишлаш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Юқори кремнийли алюминий хомашёсини кислотали усулда қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган технологик ечимлари лаборатория тадқиқотлари даражасида бўлиб, биргина 2016 йилда Хитойда хлорид кислотали усулда ИЭСлари кулидан биринчи марта алюминий оксиди ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кислотали усуллар ишқорий усулларга нисбатан маълум устунликларга эга, бу эса ишлаб чиқариш цикли бошида кремнийни алюминий оксидидан ажратишни нисбатан осонлаштириш имконини беради, оҳактош ва содали сувдан фойдаланиш талаб этилмайди. Юқорида келтирилган афзалликларга қарамай, кислотали усул ўзининг маълум камчиликларига эга: эритмаларни темир ва бошқа аралашмалардан чуқур тозалашнинг мураккаблиги, кислотани регенерация қилишнинг мураккаблиги, кислотага чидамли ускуналардан фойдаланиш талаб этилади.

Алюминий оксидининг металлургик маркаларини олиш учун бу борада истиқболли йўналиш нитрат кислотали усули ҳисобланади. Усулнинг самарадорлиги асосан хомашёни очиш, ажратиб олинган эритмаларни аралашмалардан тозалаш ва алюминий оксидининг керакли физик хоссаларига боғлиқлик масалалари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг БА-12-002 «Алюминий хомашёларини нитрат кислотали қайта ишлаб алюминий оксиди олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзуларидаги амалий лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ангрен кони юқори кремнийли каолин гилларини алюминий нитрат, оксид ва суюқ азотли ўғитларга нитрат кислотали қайта ишлашнинг комплекс, мослашувчан технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ангрен кони каолин гилларини термик куйдириш жараёнининг нитрат кислота эритмаларида алюминий минералларининг эрувчанлигига таъсирини тадқиқ этиш;

алюминийни ажратиб олиш даражасига технологик параметрларни таъсирини ўрганиш ва мақбул технологик шароитларини аниқлаш;

каолин гилларидан ажратиб олинган нитрат кислотали экстрактини нейтраллаш жараёнининг алюминий ва темир бирикмаларига таъсирини тадқиқ этиш;

алюминий гидроксиди ажратилгандан кейин айланма эритмаларнинг таркибини ва уларни суюқ азотли ўғитларга қайта ишлаш шароитларини аниқлаш;

Ангрен кони каолин гилларини алюминий нитрат, оксиди ва суюқ азотли ўғитларга нитрат кислотали қайта ишлашнинг комплекс, мослашувчан технологик схемасини ишлаб чиқиш, моддий оқим схемалари ва моддий ҳисобини тузиш, ишлаб чиқилган технологияни синовдан ўтказиш, дастлабки техник-иқтисодий ҳисобларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ангрен кони каолин гиллари, нитрат кислота, газсимон аммиак, алюминий нитрат, алюминий ва темир гидроксидлари, алюминий оксидидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** юқори кремнийли алюминийли хомашёларни алюминий нитрат, оксид ва суюқ азотли ўғитларга кислотали қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий, физик-кимёвий таҳлилнинг рентгенографик, ИҚ–спектроскопик, термогравиметрик, электрон-микроскопик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

алюминий бирикмаларининг минерал кислоталарда эрувчан шаклини ҳосил бўлишига ва натижада эритмага алюминий ажралиш даражасининг ошишига олиб келадиган Ангрен кони каолини гилларини куйдириш жараёнининг каолинни структуравий ўзгаришига таъсири қонуниятлари аниқланган;

нитрат кислота эритмаларида алюминийни ажратиб олиш даражасига технологик параметрларнинг таъсири тадқиқ этилган, алюминий ажралишининг максимал даражага етиши таъминлайдиган мақбул шароитлар аниқланган;

газсимон аммиак иштирокида каолиндан ажратиб олинган нитрат кислотали эритмаларни аммонизациялаш даражасининг таъсири аниқланган, алюминийнинг максимал ва темирнинг эса минимал чўкиш даражасини таъминлайдиган шароитлар ўрнатилган, алюминий гидроксид олиш технологик режимининг мақбул меъёрлари аниқланган;

Ангрен кони каолини гилларини алюминий нитрат, гидроксид ва суяқ азотли ўғитлар олиш билан қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ангрен кони каолини гилларидан алюминий оксиди олиш ва ишлаб чиқариш усуллари яратилган;

Ангрен кони каолини гиллари асосида алюминий оксиди, суяқ азотли ўғитлар олишнинг илмий асосланган мослашувчан технологияси ишлаб чиқилган;

алюминий саноати учун Ангрен кони каолини гилларидан алюминий оксиди олишга асосланган технология «Amtofos-Махам» АЖда ишлаб чиқилган;

Ангрен кони каолини гилларини алюминий оксидига ва айланма эритмаларини суяқ ўғитларга мақсадга мувофиқ қайта ишлашнинг технологик схемалари, моддий баланслари ва дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган технологияларни модел ускунасида синаб кўриш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ангрен кони каолин гилларидан мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган кимёвий маҳсулотлар – алюминий нитрат, алюминий оксиди ва суяқ ўғитлар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари яратилганлиги, олинган маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва технологик илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилганлиги ҳамда хоссалари яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ангрен кони каолини гилларини қайта ишлаб алюминий нитрат, алюминий оксиди, суяқ азотли ўғитлар олиш, уларни синтез қилишдаги унумдорлигини аниқлаш, ҳамда улар асосида маҳаллий маҳсулотлар олиш технологиясининг яратилганлиги, олинган маҳсулотларни амалда ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши билан ҳам белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ангрен кони каолин гилларини алюминий нитрат, оксид, суяқ азотли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий маълумотлар асосида:

Ангрен кони каолини гилларини нитрат кислотаси иштирокида қайта ишлаб алюминий нитрат ва суяқ азотли ўғитлар олиш технологияси «O'zkiyosanoat» АЖнинг «2020-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2020 йил 15 декабрдаги 14-4922-сон маълумотномаси). Натижада, алюминий тутган каолиннинг нитрат кислотали экстрактдан алюминий нитрат ва суяқ азотли ўғитлар олиш имконини берган;

Ангрен кони каолини гилларидан алюминий гидроксиди ва оксидини олиш технологияси «O'zkiyosanoat» АЖнинг «2020-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O'zkiyosanoat» АЖнинг 2020 йил 15 декабрдаги 14-4922-сон маълумотномаси). Натижада, Ангрен кони куйдирилган каолинларидан олинган алюминий оксиди ва гидроксидини хомашё ва тайёр маҳсулот сифатида қўллаш имконини берган.



**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертация(PhD)лари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва қўйилган вазифалар Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мос келадиган тадқиқотларнинг мақсади шакллантирилди ва вазифалари белгиланди, тадқиқот ишининг объектлари ва предметлари берилган, илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳамда олинган натижалар чоп қилинган ишларда ва диссертациянинг структурасида ўз аксини топган.

Диссертациянинг «**Таркибида алюминий тутган хомашёларни қайта ишлашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистондаги таркибида алюминий тутган хомашёларнинг хусусиятлари тавсифланган, таркибида алюминий миқдори кам бўлган хомашёлардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўрсатилган. Таркибида алюминий тутган хомашё манбаларини қайта ишлаш усулларига бағишланган илмий ишлар ва патент материаллари кўриб чиқилган. Адабий материалларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Ангрен кони каолинини нитрат кислотаси билан қайта ишлашнинг объектлари ва тадқиқ этиш усуллари**» деб номланган иккинчи боби ишда фойдаланиладиган бошланғич хомашё материалларининг хусусиятлари, тасдиқланган тадқиқот усуллари, кимёвий таҳлил ва физик-кимёвий тадқиқот усулларига бағишланган.

Диссертациянинг «**Ангрен кони каолинли гилларидан алюминий нитрат эритмаларини олиш жараёнини тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи боби Ангрен кони каолин гилларининг кимёвий, минералогик ва структура-механик хоссаларини ўрганишга, каолин хоссаларига термик куйдиришнинг таъсирини, каолин гилларидан алюминий ва темир ажралишининг мақбул технологик параметрларини аниқлашга бағишланган.

Тадқиқот учун Ангрен конининг каолин гилларидан намуналар танлаб олинди, таркиби (оғир. %):  $\text{SiO}_2$  - 54,30;  $\text{Al}_2\text{O}_3$  - 23,50;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  - 0,47;  $\text{K}_2\text{O}$  - 0,38;  $\text{CaO}$  - 0,30. Сканерловчи электрон микроскопия таҳлили каолин гилларида натрий, калий, кальций, магний, темир ва бошқа элементларнинг бирикмалари мавжудлигини кўрсатди, уларнинг миқдори фоизларнинг ўн ва юз улушларда ташкил этади.

Алюминий оксидини ажралиш жараёнларига куйдириш сезиларли таъсир кўрсатганлиги сабабли, тадқиқотлар каолин гилларининг кимёвий

таркиби ўзгаришига термик ишлов бериш жараёнининг таъсирини ўрганишдан бошланди.

Тадқиқотлар 2 соат давомида 400-800°C ҳарорат оралиғида муфелли печда амалга оширилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал


#### Каолин кимёвий таркибига куйдириш ҳароратларининг таъсири

№	t, °C	Оғирлик йўқот., %	Компонентлар таркиби, оғир. %						
			SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	CaO	MgO
1	400	1,000	54,85	23,74	0,475	0,082	0,384	0,303	0,169
2	500	1,000	54,85	23,74	0,475	0,082	0,384	0,303	0,169
3	600	5,675	57,57	24,91	0,498	0,086	0,403	0,318	0,177
4	650	5,999	57,77	25,00	0,500	0,086	0,404	0,319	0,178
5	700	6,008	57,77	25,00	0,500	0,086	0,404	0,319	0,178
6	750	6,216	57,90	25,06	0,501	0,086	0,405	0,320	0,178
5	800	6,600	58,14	25,16	0,503	0,087	0,407	0,321	0,179


Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 400-500°C гача бўлган куйдириш ҳарорати Ангрен кони каолин гиллари таркибий қисмларининг ўзгаришига деярли таъсир қилмайди. 600°Cдан бошлаб каолин гилларининг асосий таркибий қисмларининг миқдори ошади. Асосий таркибий қисмларнинг энг барқарор кимёвий таркиби 600-700°C куйдириш ҳароратида кузатилади. Ҳароратнинг 800°C гача ошиши SiO<sub>2</sub> нинг 58,14% гача ва Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> нинг 25,16% гача кам миқдорда кўтарилишига олиб келади. Бошқа таркибий қисмларнинг миқдори деярли бир хил даражада ўзгаришсиз қолади.

Каолин гилларини куйдириш пайтида юзага келадиган ҳарорат ўзгаришини аниқлаш учун ҳаво атмосферасида 1200°C гача чизикли куйдириш шароитида дастлабки каолиннинг дериватограммаси олинган. Термограмда минимал жадаллик 550°C билан эндотермик эффектни ва 955°Cда максимал экзотермик эффектни кўрсатади. Ушбу ҳароратларда каолинитнинг бир қисми бўлган кимёвий боғланган сувни олиб ташлашга мос бўлган маълум оғирлик қийматининг йўқотилиши кузатилади.


1-расмда 650°Cда дастлабки ва куйдирилган каолиннинг рентгенограммаси кўрсатилган. Рентгенограмма таҳлили шуни кўрсатдики, дастлабки каолин куйдирилганда, каолинитга хос бўлган 7,22, 2,46 Å чўққилари рентгенограммада йўқолади ва Al<sub>2</sub>Si<sub>2</sub>O<sub>7</sub> мос келадиган 3,35 Å чўққилар пайдо бўлади. Бундан келиб чиқадики, куйдиришда каолинитдан боғланган сув йўқотилади ва кристалл структурасида ўзгариш юзага келади, бу эса қийин эрийдиган каолинитни кислотада яхши эрийдиган метакаолинит Al<sub>2</sub>Si<sub>2</sub>O<sub>7</sub> шаклига ўтказиш билан боғлиқ



900°Cдан юқори ҳароратда куйдирилганда, куйидаги реакция бўйича 3Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>·2SiO<sub>2</sub> муллит ҳосил бўлади:



муллит ҳеч қайси минерал кислоталарда эримайди.



1

2

**1-расм. Дастлабки ва куйдирилган каолин намуналарининг рентгенограммалари: 1-дастлабки; 2-650°Сда куйдирилган**

Куйдирилган каолиннинг ИҚ-спектрида сув учун характерли частоталар ва ОН – гуруҳларининг валентлик тебранишлари йўқолади. Паст частоталар соҳасида  $\text{Si}_2\text{O}_7$  характерикига хос  $1001,06 \text{ см}^{-1}$  чўққилар пайдо бўлади ва  $775,38 \text{ см}^{-1}$  чўққилар эса тетраэдрлардан  $[\text{SiO}_4]$  ва структуравий гуруҳларнинг  $[\text{AlO}_4]$  учқисмли ҳалқалар сақланиб қолади.  $543,93 \text{ см}^{-1}$  ютилиш чизиғи Ме-О-Si боғланишга хос.

Олинган маълумотлар боғланган сув, ОН гуруҳларининг йўқотилиши ва  $\text{Si}_2\text{O}_7$  ҳосил бўлиши каолинларнинг структуравий ўзгаришларини кўрсатади.

Алюминий ажралишининг мақбул технологик параметрларини аниқлаш учун автоклав усулида нитрат кислота эритмаларига алюминий ажралиш даражасига нитрат кислота концентрацияси, меъёрлари, жараён ҳароратлари ва давомийлигини таъсири ўрганилди. Автоклавни қуритиш шкафига жойлаштириш орқали ҳарорат сақлаб турилди. Аралаштириш вақти-вақти билан ҳар 10-15 дақиқада чайқаш йўли билан амалга оширилди.

Ангрен кони куйдирилган каолин гилларидан нитрат кислота концентрацияси 30%, 110% ва 130% меъёрда алюминийни ажралиш даражасига ажратиб олиш ҳароратлари ва давомийлиги ҳамда суyoқ фазанинг кимёвий таркибига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Жараён ҳароратининг  $90^\circ\text{C}$ дан  $180^\circ\text{C}$ гача оширилиши алюминийнинг ажралиш даражасини оширади. Жараён давомийлиги қанча кўп бўлса, ажралиш даражаси шунча юқори бўлади. Жараён давомийлиги 1 соатда алюминийни ажралиш даражаси кислота меъёри 100% бўлганда,  $90^\circ\text{C}$  ҳароратда 25,73%дан  $150^\circ\text{C}$  ҳароратда 44,02%гача ошади.

## 2-жадвал

**Алюминий бирикмаларини ажралиш даражаси ва суюқ фазалар кимёвий таркибига жараён ҳароратлари ва давомийлигининг таъсири**

№	t, °C	τ, с	Суюқ фазалар кимёвий таркиби, оғир. %					Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> ажралиш даражаси, %	
			Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	Na <sub>2</sub> O		K <sub>2</sub> O
110% меъёр									
1	90	1	1,63	0,121	0,226	0,063	0,047	0,107	25,73
2	120		1,93	0,121	0,258	0,062	0,047	0,107	30,62
3	150		2,75	0,120	0,254	0,062	0,046	0,106	44,02
4	180		2,27	0,120	0,256	0,062	0,047	0,107	36,22
5	90	3	2,42	0,120	0,256	0,062	0,047	0,107	38,58
6	120		2,86	0,119	0,254	0,062	0,046	0,106	45,91
7	150		4,06	0,118	0,248	0,061	0,046	0,105	66,00
8	180		3,37	0,119	0,251	0,061	0,046	0,106	54,30
9	90	5	2,78	0,119	0,254	0,062	0,046	0,106	44,54
10	120		3,29	0,119	0,252	0,062	0,046	0,106	53,01
11	150		4,66	0,117	0,246	0,061	0,046	0,104	76,20
12	180		3,87	0,118	0,249	0,061	0,046	0,105	62,70
130% меъёр									
13	90	1	1,69	0,102	0,191	0,053	0,040	0,091	31,65
14	120		2,01	0,102	0,190	0,053	0,040	0,091	37,66
15	150		2,86	0,101	0,189	0,052	0,039	0,090	54,14
16	180		2,36	0,102	0,190	0,053	0,040	0,090	44,55
17	90	3	2,51	0,101	0,189	0,053	0,039	0,090	47,45
18	120		2,98	0,101	0,188	0,052	0,039	0,090	56,47
19	150		4,23	0,100	0,186	0,052	0,039	0,089	81,18
20	180		3,50	0,100	0,187	0,052	0,039	0,089	66,79
21	90	5	2,89	0,101	0,189	0,052	0,039	0,090	54,79
22	120		3,42	0,100	0,188	0,052	0,039	0,089	65,20
23	150		4,85	0,099	0,185	0,051	0,039	0,088	93,73
24	180		4,02	0,100	0,186	0,052	0,039	0,089	77,12

Ажратиб олиш жараёни давомийлиги 1 соатдан 5 соатгача оширилиши алюминийни ажралиш даражасини 90-150°C ҳарорат оралиғида 25,73-44,02%дан 38,58-66,00%гача ва 44,54-76,20%гача оширади.

Ҳароратнинг 180°Cгача оширилиши алюминийни ажралиш даражасини 1 соатда ажратиб олиш жараёни давомийлигида 44,02%дан 36,22%гача, 3 соатда ажратиб олиш жараёни давомийлигида 66,00%дан 54,30%гача ва 5 соатда ажратиб олиш жараёни давомийлигида 76,20%дан 62,70%гача камаяди.

Меъёрнинг 130%га оширилиши билан алюминийнинг эритмага ажралиш даражаси аналогик боғлиқликга эга ва шунингдек 145-160°C ҳароратда максимал даражага етади. Шу билан бирга, 110% меъёр кўрсаткичларидан фарқли ўлароқ ажралиш даражаси юқори ва 1 соатдан кейин 31,65-54,14%, 3 соатдан кейин 47,45-81,18% ва 5 соатдан кейин 54,79-93,73% ни ташкил этади.

Ангрен конининг 650°C да куйдирилган каолин гилларидан алюминий ажралиши учун энг мақбул ҳарорат автоклавли ажратиб олишда ҳарорат 150°C ҳисобланади. Суяқ фазанинг кимёвий таҳлиллари, эрмайдиган қолдиқни филтрлаш орқали ажратилгандан сўнг, ҳароратнинг 150°C гача оширилиши билан алюминий оксиди миқдори ошиши кузатилди. Ҳароратнинг 180°C гача оширилиши суяқ фазада алюминий оксиди миқдорининг пасайишига олиб келади.

Суяқ фазанинг бошқа таркибий қисмларининг миқдори ажратиб олиш жараёни ҳароратлари ва давомийлигидан қатъий назар, бир хил даражада сақланиб қолади. Бу шуни кўрсатадики, кальций, магний, натрий, калий бирикмалари ажратиб олишнинг дастлабки дақиқалариданоқ амалда деярли нитрат кислота эритмасига тўлиқ ўтади.

Жараён ҳарорати 150°C ва давомийлиги 5 соатда алюминийни ажралиш даражасига концентрацияси 30% бўлган нитрат кислота таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нитрат кислотасининг меъёри 100%дан 130%гача оширилганда ажралиш даражаси ошади ва кейинчалик амалда деярли ўзгармайди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Алюминий бирикаларини ажралиш даражасига ва суяқ фаза таркибларига нитрат кислота меъёрларининг таъсири

№	Кислота меъёри, %	Суяқ фазалар кимёвий таркиби, оғир. %						Ажралиш даражаси, %	Қ:С
		Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O		
1	100	4,12	0,130	0,242	0,067	0,050	0,115	60,83	1:3,62
2	110	4,66	0,117	0,219	0,061	0,046	0,104	76,20	1:4,27
3	120	4,98	0,107	0,200	0,055	0,042	0,095	89,00	1:4,93
4	130	4,85	0,099	0,185	0,051	0,039	0,088	93,73	1:5,46
5	140	4,52	0,092	0,172	0,048	0,036	0,082	93,74	1:5,89
6	150	4,23	0,086	0,161	0,045	0,034	0,077	93,75	1:6,33
7	160	3,98	0,081	0,152	0,042	0,032	0,072	93,76	1:6,76
8	170	3,76	0,077	0,143	0,040	0,030	0,068	93,77	1:7,20
9	180	3,56	0,073	0,135	0,038	0,028	0,065	93,78	1:7,64
10	190	3,38	0,069	0,129	0,036	0,027	0,061	93,79	1:8,07
11	200	3,21	0,066	0,122	0,034	0,026	0,058	93,79	1:8,51


Нитрат кислота концентрацияси 30%, меъёри 130% мақбул шароит ҳисобланади, бунда алюминийнинг ажралиш даражаси 93,73%га етади. Эритмадаги бошқа таркибий қисмларнинг миқдори бир хил камаяди. Бу ажратилган таркибий қисмларнинг доимий таркибида нитрат кислота улшининг кўпайиши билан асосланади.

Бундан ташқари, куйдирилган каолиндан алюминийни ажралиш даражасига ажратиб олиш жараёни давомийлигининг таъсирини тадқиқ қилиш натижасида ажратиб олишнинг мақбул параметрлари – ҳарорат 150°C, 30%ли нитрат кислотанинг 130% меъёрини ташкил қилади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ажралиш жараёни давомийлигининг 30 дақиқадан 5 соатга ошиши алюминийни ажралиш даражаси 46,79%дан 93,73% гача ошишига ёрдам беради. Ажратиб олиш жараёни давомийлигининг 6 соатгача ошиши алюминий ажралиш даражасини 93,75%

гача, яъни 0,02% га оширади. Шу сабабли, кейинги тадқиқотлар учун ажратиб олиш жараёни давомийлиги учун 5 соатни танлаб олдик. Нитрат кислота концентрациясининг алюминий ажралош даражасига таъсири тадқиқ этилди, алюминийни ажралош даражаси нитрат кислотасининг 30-35% концентрациясида максимал даражага етди.

Автоклави ажратиб олишнинг маъбул технологик параметрлари нитрат кислота концентрацияси 30%, меъёри 130%, ҳарорат 150°C, жараён давомийлиги 4-5 соатни ташкил этади. Бунда алюминийни ажралош даражаси 93,73%ни ташкил қилади.

2-расмда 20°C ва 60°C ҳароратда заррачаларнинг чўкиш тезлигининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Чўкиш тезлигининг жараён давомийлигига боғлиқлиги бир хил боғлиқликка эга. Заррачаларнинг максимал чўкиши тиниклашишнинг биринчи дақиқаларида кузатилади, сўнгра тезликнинг аста-секин камайиши кузатилади.



**2-расм. Чўкиш тезлигига тиниклашиш жараёни давомийлигининг таъсири**

Ҳароратнинг 20°Cдан 60°Cгача оширилиши билан чўкиш тезлиги ошади, бу эритмалар зичлиги ва ёпишқоқлигининг камайиши билан изоҳланади.

20°Cдан 60°Cгача ҳарорат оралиғида каолиннинг нитрат кислотали парчаланишидан кейинги эритмаларнинг филтрланиш тезлигига

ҳароратнинг таъсири ўрганилди. 4-жадвалда кислота меъёри 130%да олинган эритмаларнинг филтрланиш тезлигига ҳароратларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**4-жадвал**

**Каолинни нитрат кислотали парчалошдан кейинги суспензияни филтрланиш тезлигига ҳароратларнинг таъсири**

№	Ҳарорат, °C	Филтрланиш тезлиги, кг/м <sup>2</sup> ·с		
		бўтқа бўйича	каттиқ фаза бўйича	филтрат бўйича
1	25	357,79	78,21	279,58
2	40	495,11	108,23	386,88
3	50	578,25	126,41	451,84
4	60	650,06	142,10	507,96
5	70	705,15	154,15	551,00
6	80	743,65	162,56	581,09

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳароратнинг 25°Cдан 80°Cгача ошиши билан филтрланиш тезлиги бўтқа бўйича 357,79 кг/м<sup>2</sup>·с дан 743,65 кг/м<sup>2</sup>·с гача ошади. Аналогик равишда филтрат ва каттиқ фаза учун филтрланиш тезлиги ошади. Филтрланиш ҳароратини ошириш филтрланиш тезлигини 2 мартадан кўпроқ оширади.

Алюминийни нитрат кислота билан ажратишнинг мақбул шароитларида эримайдиган чўкма 97,02% кремний оксидини ташкил этади. Алюминий оксидининг миқдори 1,57%, темир оксиди 0,12% ни ташкил этади, бу кимёвий, рентгенографик ва ИҚ-спектроскопик таҳлил усуллари билан тасдиқланди. Чўкма қурилиш материаллар саноатида фойдаланиш учун хомашё ҳисобланади.

110% меъёрда мақбул технологик параметрларда ажратиб олинган нитрат кислотали экстракт таркибида 4,66% алюминий оксиди ва 0,12% темир оксиди тутган эритмани суюқ коагулянт сифатида ишлатиш мумкин. Кейинчалик намлик даражаси 42-43% бўлган эритма ҳолатигача буғлатилганда ва совутилган юзада кристалланиш жараёнида таркибида 12,8%  $Al_2O_3$  ёки  $Al(NO_3)_3 \cdot 9H_2O$  га ҳисобланганда 93,9% ни ўз ичига олган алюминий нитрат кристаллари олинади. Каолиндан алюминийни ажралиш даражаси 76,20%ни ташкил қилади.

Ангрен кони каолинларини алюминий нитратга қайта ишлашнинг принципал технологик схемаси ишлаб чиқилган, алюминий нитрат ишлаб чиқаришнинг моддиқ оқим схемалари, моддий ҳисоблари тузилган. Алюминий нитрат олиш технологиясига каолинли гилларни куйдириш, нитрат кислотада алюминийни ажратиб олиш, бўтқалаштириш, суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш, буғлатиш ва кристалланиш киради. Технология алюминий нитрат намуналарини олиш билан «Аmmofos-Махам» АЖдаги КТИТЛда синовдан ўтказилди.

Техник-иктисодий ҳисоблар Ангрен кони каолинли гилларидан алюминий нитрат ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. 1000 т алюминий нитрат ишлаб чиқарилганда, тежамкорлик импортга нисбатан 2,197 млрд сўмни ташкил этади.

**«Каолиндан эритиб ажратиб олинган нитрат кислотали эритмаларидан алюминий оксид олиш жараёнини тадқиқ этиш»** деб номланган тўртинчи боби Ангрен кони каолин гилларини ажратиб олинган нитрат кислотали экстрактини нейтраллаш, алюминий гидроксидини ажратиш, темирдан тозалаш, ажратиб олишдаги айланма эритмаларни суюқ ўғитларга қайта ишлашга бағишланган.

Мақбул технологик параметрларда (120-130% меъёр) олинган ва таркибида 4,85%  $Al_2O_3$  ва 0,099%  $Fe_2O_3$  бўлган тиндириб ажратиб олинган эритмаларини нейтраллашда эритмалар газсимон аммиак билан қуюқлашади, шу сабабли нейтраллашдан олдин ажратиб олинган эритма:сув = 1:1 нисбатда сув қўшилган. Ажратиб олинган эритмаларини сув билан суюлтирилгандан сўнг ва рН 1,95-6,0 гача аммонизация қилинганидан кейинги тузли таркиби 5-жадвалда келтирилган.

рН 3,9 гача аммонизация қилинганида суюқлик фазасида алюминий нитрат мавжуд. 4,5 дан юқори рН қийматида суюқлик фазасида алюминий нитрат бўлмайди ва барча алюминий қаттиқ фазада гидроксид шаклида бўлади.

рНнинг ошиши билан эритманинг барча таркибий қисмлари камаяди, аммоний нитратнинг миқдори эса ошади. 4,5 дан юқори рНда суюқлик фазаси асосан аммоний нитрат эканлиги келтирилган.

## Суюқ фазалар тузли таркибига аммонизация даражасининг таъсири


pH	Суюқ фазалар тузли таркиби, оғир. %								
	Al(NO <sub>3</sub> ) <sub>3</sub>	Fe(NO <sub>3</sub> ) <sub>3</sub>	Ca(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	Mg(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	NaNO <sub>3</sub>	KNO <sub>3</sub>	NH <sub>4</sub> NO <sub>3</sub>	NH <sub>3</sub>	HNO <sub>3</sub>
	Суюлтирилгандан кейин								
	11,11	0,16	0,30	0,104	0,12	0,06	–	–	5,064
	Аммонизациядан кейин								
1,95	10,82	0,156	0,292	0,101	0,058	0,100	3,02	-	2,68
2,49	10,62	0,153	0,287	0,099	0,057	0,098	4,73	-	1,34
3,46	10,28	0,148	0,278	0,096	0,056	0,095	8,77	1,71	-
3,78	9,98	0,144	0,27	0,093	0,054	0,093	11,93	2,39	-
	Аммонизация ва қаттиқ фазалар ажратилгандан кейин								
3,9	0,805	–	0,274	0,095	0,055	0,094	16,09	-	-
4,5	–	–	0,272	0,094	0,054	0,093	16,93	-	-
5,0	–	–	0,271	0,094	0,054	0,093	16,94	-	-
5,5	–	–	0,271	0,094	0,054	0,093	16,96	-	-
6,0	–	–	0,271	0,094	0,054	0,093	16,96	-	-

Алюминий гидроксидни бўтқа бўйича филтрланиш тезлиги жуда паст 20-25°C ҳароратда 161,38-179,86 кг/м<sup>2</sup>·с. Ҳароратнинг 20°C дан 90°C гача оширилиши бўтқадаги алюминий гидроксидини филтрланиш тезлигини 161,38 кг/м<sup>2</sup>·с дан 254,76 кг/м<sup>2</sup>·с гача оширади. Шунга кўра, қаттиқ фаза бўйича филтрланиш тезлиги 38,80 кг/м<sup>2</sup>·с дан 59,59 кг/м<sup>2</sup>·с гача, филтрат бўйича эса 122,80 кг/м<sup>2</sup>·с дан 195,17 кг/м<sup>2</sup>·с гача оширади.

Алюминий гидроксиднинг филтрлаш тезлигини ошириш учун нитрат кислотали экстрактини газсимон аммиак билан икки босқичли аммонизациялаб алюминий гидроксидини чўктириш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Биринчи босқичда эритма pH 2,5-3,0 гача асосий тузлар ҳосил бўлгунча қисман нейтралланади. Аммиак миқдори алюминий ва темир нитратлари шаклида боғланган, барча эркин кислотани ва 2/3 нитрат кислотасини нейтраллашга ҳисобланган. Иккинчи босқичда, қисман нейтраллаб, 80-100°C ҳароратда таркибидаги алюминий оксиди 12-15% гача буғлатилганда, pH = 7,0 гача 10%ли эркин аммиак билан аммоний нитрат совуқ эритмасида эритилади. Кейин бўтқа 90°C гача секин аралаштириб иситилади ва филтрланади. Чўкиндиларни олиб ташлашда бўтқа бўйича филтрланиши 300-400 кг/м<sup>2</sup>·с ни ташкил қилади, алюминий гидроксидини намлиги 30-40% гача камаяди.

Ўрнатилган қонуниятга кўра янги чўккан алюминий гидроксид заррачаларининг кристалл марказларини ҳосил қилувчи қўшимчалар иштирокида филтрланиши юқори бўлган чўкма ҳосил бўлишига ижобий таъсир қилиши аниқланган. Шу муносабат билан кристалл марказларини ҳосил қилувчи қўшимчалар ёрдамида бир қатор тажрибалар ўтказилди. Кристалл марказларини ҳосил қилувчи қўшимчалар сифатида аввалги тажрибадаги алюминий гидроксиднинг ювилмаган чўкмаси ишлатилган. Кристалл марказларини ҳосил қилувчи қўшимчалар сарфи кристалл марказ ҳосил қилувчидаги Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>нинг нитрат кислота эритмасидаги Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>га нисбатан аниқланди (3-расм). Кристалл марказларини ҳосил қилувчилар сарфининг 0 дан 100%гача оширилиши билан филтрланиш тезлиги 1,7 баравар кўпаяди.





**3-расм. Алюминий гидроксид қолдиқларининг бўтқаси бўйича  
фильтрланишига кристалл ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг таъсири**

Кристалл маркасларини ҳосил қилувчи қўшимчалар миқдорини янада кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки фильтрланиш тезлиги қисман ўзгаради, моддий оқимлари эса қисман ошади. Кристалл маркасларини ҳосил қилувчи қўшимчалар мақбул сарфини 80-100% деб ҳисоблаб олиш керак, фильтрланиш тезлиги бўтқа бўйича 400-425 кг/м<sup>2</sup>·соатни ташкил қилади.

Шу билан бирга, ҳосил бўлган айланма эритмаларни таркибида 15-17% азот тутган суюқ азотли ўғитларга қайта ишланади.

6-жадвалда ювиб олинган қолдиқнинг таркиби кўрсатилган. Курук моддаларга ҳисобланганда алюминий гидроксиднинг миқдори 97,88-98,07%, темир гидроксидининг миқдори 1,70-1,86% ни ташкил қилади. Бу чўкма алюминий ва темир гидроксидларидан ташкил топганлигини кўрсатади.


**6-жадвал**

**Турли рН кўрсаткичида ажратиб олинган қаттиқ фаза кимёвий таркиби**

рН	Ювилгандан кейинги алюминий гидроксиднинг таркиби, оғир. %	
	Al(OH) <sub>3</sub>	Fe(OH) <sub>3</sub>
3,9	97,88	1,86
4,5	98,07	1,72
4,7	98,06	1,71
5,0	98,06	1,71
5,5	98,03	1,70
5,7	98,01	1,70
6,0	98,00	1,70

Куйдирилган каолинни нитрат кислота билан ажратиб олиш бўйича лаборатория ва тажриба синовлар Ангрен кони каолинларини алюминий гидроксиди ва сўнгра алюминий оксидига қайта ишлашнинг принципиал технологик схемаси, моддий оқим схемаси ва моддий ҳисобини ишлаб чиқишга имкон берди.

Ангрен кони каолин гилларини нитрат кислотали парчалаб алюминий нитрат, гидроксид ва суюқ азотли ўғитлар олишнинг принципиал комплекс технологик схемаси 4-расмда келтирилган.



**4-расм. Ангрен кони каолинини алюминий нитрат, оксиди ва суюқ азотли ўғитларга комплекс қайта ишлашнинг принципитал технологик схемаси:** 1, 7 – бункерлар; 2 – элак; 3 – майдалагич; 4, 8 – меъёралагичлар; 5 – куйдирувчи барабан; 6 – элеватор; 9 – реактор (автоклавлар); 10, 20 – фильтрлар; 11, 12, 18, 21, 25 – сийимли идиш; 13, 19, 22 – насослар; 14 – бугʻлатиш қурилмаси; 16 – кристаллизатор; 17, 23 – реактор-аммонизатор; 24 – қурийтиш барабани

Каолин қабул қилувчи бункердан (1-поз.) элакларга (2-поз.) киради ва меъёрлагич (4-поз.) орқали куйдириш печига (5-поз.) куйилади. Каолиннинг йирик қисми майдалагичга (3-поз.) берилади ва элакларга (2-поз.) қайтарилади. Куйдирилган каолин элеватор (6-поз.) билан қабул қилувчи бункерга (7-поз.) ва меъёрлагич (8-поз.) орқали реакторга (9-поз.) берилади, у ерда бир вақтнинг ўзида нитрат кислотаси берилади. Парчаланиш маҳсулотлари филтрга (10-поз.) берилади. Қаттиқ фаза – шлак йўқотилади, алюминий ва темирнинг нитрат кислотали эритмалари аммонизатор (17-поз.) ва сўнгра филтрга (20-поз.) боради. Қаттиқ фаза сув билан ювилади ва қуритиш барабанига (24-поз.) берилади.

Сифимли идишдан (11-поз.) алюминий нитратнинг суёқ фазаси олинади, насосларда (13-поз.) буғлатиш қурилмасига (14-поз.), сўнгра барабанли кристаллизаторга (16-поз.) берилади ва алюминий нитрат кристалл ҳолатда ажратиб олинади.

Ангрен кони каолинидан алюминий гидроксид олишнинг моддий оқими схемаси ва моддий ҳисоби тузилди. 1 т алюминий гидроксидини олиш учун 650-700°C ҳароратда куйдирилган 3,092 т каолин ва 5,946 т сув иштирокида суёлтириш учун 6,607 т 57%ли нитрат кислота, олинган масса 0,868 т сув билан суёлтирилади, қаттиқ фаза – қум ажратилади, филтрат 0,458 т газсимон аммиак билан аммонизацияланади, алюминий гидроксид қолдиғи ажратилади, 7,480 т сув билан ювилади, қуритилади, куйдирилади ва 1 т алюминий оксиди олинади. Қум 1,750 т сув билан ювилади. Ювилган сув каолинни парчалош босқичига ва бўтқани филтрлашдан олдин суёлтириш учун етказилади.

Техник-иқтисодий ҳисоблар Ангрен кони каолинли гилларини алюминий гидроксиди ва суёқ азотли ўғитларга қайта ишлашнинг юқори самарадорлигини кўрсатади. 1000 т алюминий гидроксиди ишлаб чиқарилганда, тежамкорлик импортга нисбатан 4,195 млрд. сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

1. Ангрен кони каолинини нитрат кислотаси иштирокида ажратиб олиш жараёнини ўрганиш натижасида каолин гилларини 650-700°Cда дастлаб куйдирилиб, кейин нитрат кислотада ажратиб олинганда алюминийни ажралиш даражаси ошишига олиб келади. Алюминийнинг ажралиш даражасини ошишига куйдириш пайтида каолинитнинг фазавий таркибидаги ўзгаришлар сабаб бўлади, бу қийин эрийдиган минералларни дегидратацияси натижасида кислотада эрийдиган шаклларга ўтказиш тавсия этилди.

2. Термогравиметрия, рентгенография ва сканерловчи электрон микроскопия усулларини ўрганиш куйдириш пайтида каолинли гилларнинг структуравий ўзгаришини кўрсатади. Дегидратация икки босқичда 550°C, 650°C ва 955°C ҳароратда каолинит, метакаолинит ва муллит ҳосил бўлиши билан содир бўлади. 650-700°C ҳароратда термик ишлов беришда рентгенограммада дастлабки каолинни характерловчи чўққилар йўқолади ва

метакаолинит -  $Al_2SiO_7$  характерига хос чўққилар пайдо бўлиши кўрсатиб берилди.

3. Каолин гилларини куйдириш ҳароратлари алюминийнинг кислотада эрийдиган шакллари таркибига таъсирини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, куйдириш ҳарорати 400 дан 800°Cгача оширилиши билан кислотада эрийдиган шаклларнинг миқдори ҳам ошади. 2 соат давомида 650-700°C ҳароратда куйдирилганда, алюминий бирикмаларининг ажралиш даражаси максимал қиймати 93-95% бўлиши тавсия этилди.

4. Ангрен конининг 650°C ҳароратда куйдирилган каолин гилларидан алюминийни ажратиб олишга технологик омилларнинг таъсири – нитрат кислота концентрацияси ва меъёрлари, жараён ҳароратлари ва давомийлиги ўрганилди. Жараённинг мақбул технологик параметрлари аниқланди, шунда нитрат кислотасининг концентрацияси 30-40%, стехиметрик меъёри 120-130%, жараён ҳарорати 140-150°C ва давомийлиги 4-5 соатда алюминийнинг бирикмаларининг эритмага ўтиш даражаси 94%гача бўлиши кўрсатиб берилди.

5. Алюминий ва темирнинг нитрат кислотали эритмаларини газсимон ёки сувли аммиак билан рН қиймати ўзгариши 1,95 дан 6,0 гача ораликда нейтраллаш жараёнлари тадқиқ этилди. Ўтказилган тадқиқотлар Ангрен кони куйдирилган каолин гилларидан алюминий гидроксид олиш мумкинлигини кўрсатди. Бунинг учун алюминийни ажратиб олинган нитрат кислотали эритмаларини камида рН 4,5 гача аммонизациялаш талаб этилади, чўкма ажратилади ва сувда ювилади. Бунда таркибида  $Al(OH)_3$  98,00% дан кам бўлмаган ва  $Fe(OH)_3$  1,70% дан кўп бўлмаган маҳсулот олиниш мумкинлиги тавсия этилди.

6. Ангрен кони каолин гилларини алюминий нитрат, гидроксид ва суюқ азотли ўғитлар олиш билан қайта ишлашнинг технологик схемаси, моддий оқим схемалари ва ишлаб чиқаришнинг моддий ҳисоблари ишлаб чиқилди.

7. «Аmmofos-Махам» АЖнинг «Кимёвий технология илмий-тадқиқот лабораторияси» да ишлаб чиқариш шароитларини такрорлайдиган модел ускунасида алюминийли хомашёларни комплекс қайта ишлаш ишлаб алюминий нитрати ва гидроксиди ҳамда суюқ азотли ўғитлар олиш технологиялари тажриба синовдан ўтказилди. Жараёнларнинг мақбул технологик параметрлари ўрнатилди, алюминий нитрат, гидроксид ва суюқ азотли ўғитларнинг тажриба намуналари олинди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

8. Тажриба ускунасининг вақтинчалик технологик регламенти тайёрланди. Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблар каолин гилларини алюминий нитрат, гидроксид ва суюқ азотли ўғитларга комплекс қайта ишлашнинг юқори самарадорлигини кўрсатди. 1000 т алюминий нитрат ва алюминий гидроксиди ишлаб чиқарилганда импорт қилинаётган ушбу маҳсулотларга нисбатан, иқтисодий самарадорлик мос равишда 2,197 млрд. сўмни ва 4,195 млрд. сўмни ташкил этиши кўрсатиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КЕНЖАЕВ МИРЖАЛОЛ ЭРКИНЖАНОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ОКСИДА АЛЮМИНИЯ  
ИЗ АНГРЕНСКОГО КАОЛИНА ПУТЕМ РАЗЛОЖЕНИЯ АЗОТНОЙ  
КИСЛОТОЙ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус – 2020 год**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2018.4.PhD/T862 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:**

**Мирзакулов Холтура Чориевич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Сейтназаров Атаназар Рейпназарович**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Джуманиязова Дилноза Максудона**  
доктор философии (PhD) по техническим наукам

**Ведущая организация:**

**Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита состоится «05» января 2021 г. в «15<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г. Нукус, ул. Ч. Абдилова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-47; факс: (+99861) 223-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №21). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдилова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «22» декабря 2020 года.  
(протокол рассылки № 3 от 22 декабря 2020 г).



**А.М. Реймов**

Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.т.н., профессор

**Р.К. Курбаниязов**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени,  
к.т.н., доцент

**Ш.Н. Туремуратов**

Председатель Научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученой степени, д.х.н

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации).**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время с сокращением богатых алюминийсодержащих источников сырья алюминиевая промышленность во всем мире с каждым годом ощущает большую потребность в высококачественном бокситном сырье. В тоже время, мировые запасы низкокачественного алюминиевого сырья - высококремнистых бокситов, каолиновых глин, алунитовых пород, нефелинов и других руд очень велики. В республике отсутствует производство глинозема, но имеются сырьевые источники с низким содержанием алюминия в виде каолиновых глин, алунитовых пород, некондиционных бокситов, золы каменных углей. Однако, эффективная технология их переработки отсутствует. В условиях острейшего дефицита алюминия получения соединений алюминия путем переработки алюминийсодержащего сырья в настоящее время является основой научных исследований.

В мировом масштабе необходимо обосновать следующие научные решения в области разработки технологии переработки высококремнистого алюминийсодержащего сырья: исследование процессов щелочного и кислотного методов переработки низкокачественного, высококремнистого алюминиевого сырья, включающих стадии предварительной термообработки, выщелачивания сырья, обезжелезования кислотных растворов алюминия и переработки очищенных растворов на глинозем, переработки или утилизации маточных растворов, разработать эффективные технологии получения глинозема из высококремнистого алюминийсодержащего сырья.

На сегодняшний день в республике, благодаря осуществлению крупных мероприятий, достигнуты высокие результаты в разработке и освоении новых месторождений минерального рудного сырья. В третьем направлении стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены важные задачи, направленные на опережающее «... развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов ...»<sup>2</sup>. В связи с этим, разработка комплексной технологии азотнокислотной переработки каолиновых глин Ангренского месторождения на глинозем, а маточных растворов на различные виды жидких азотных удобрений приобретают очень важное значение для экономики республики.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-

---

<sup>2</sup> Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-4265 от 03 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике VII - «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Следующие ученые проводят исследования по всему миру для получения соединений алюминия на основе алюминсодержащих сырья, в том числе Лайнер Ю.А., Запольский А.К., Сажин В.С., Вайтнер В.В., Исматов Х.В., Богачева Л.Н., Каримов Р.З., Мирсаидов У.М., Гафуров К., Шамсидинов И.Т., Мамажанов З.Н. и другие провели научные исследования.

Работы направлены, в основном, на извлечение алюминия в раствор минеральными кислотами или щелочным способом. Совершенно отсутствуют сведения по получению глинозема в опытных или промышленных условиях, влиянию состава сырья на технологические показатели производства, переработке маточных растворов, после отделения алюминиевых соединений.

Разработанные технологические решения переработки высококремниевое алюминиевое сырьё кислотными методами находятся на уровне лабораторных исследований и только в 2016 году запущено первое производство глинозема из золы ТЭЦ солянокислотным способом в Китае. Кислотные методы имеют существенные преимущества перед щелочными способами, которые позволяют уже в начале производственного цикла относительно просто отделить кремнезем от глинозема и исключить использование известняка и соды. Несмотря на перечисленные преимущества кислотный способ имеет свои недостатки: сложность глубокой очистки растворов от железа и других примесей, сложность регенерации кислоты, необходимость использования кислотостойкой аппаратуры.

